



ПРЕЗИДЕНТ ҚР ЭКОЛОГИЯ, ГЕОЛОГИЯ ВА ТАБИЙ РЕСУРСЛАР ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Учрашувда Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Экология, геология ва табиий ресурслар вазири Мағзум Мирзағалиевнинг ушбу соҳада олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги ҳисоботини тинглади.

Президентга мамлакатда балиқчиликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисида маълумот берилди. Вазирнинг сўзларига кўра, 2019 йилда балиқ ва балиқ маҳсулотлари бозорининг умумий ҳажми 66 минг тоннани ташкил этган.

Олимларнинг фикрига кўра, Қозоғистон сув омборларида йилига 600 минг тонна балиқ етиштириш мумкин. Президент мавжуд имкониятлардан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Вазирликка барча вилоятлар билан биргаликда жорий йил ноябригача балиқчиликни ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш топширилди. Ҳудудлардаги экологик вазиятга алоҳида эътибор қаратилди. Вазирнинг сўзларига кўра, Алмати, Темиртау, Атирау, Ақтўбе ва Павлодар вилоятларидаги экологик муаммоларни ҳал қилиш учун аҳоли билан биргаликда йўл хариталари ишлаб чиқилган. Президент аниқ кўрсаткичларни аниқлаб, мамлакат минтақаларида атроф-муҳит ва атмосферани яхшилаш юзасидан самарали ишларни давом эттиришга кўрсатма берди.

Мағзум Мирзағалиев Президентга Қозоғистон миллий боғларида экотуризмни ривожлантириш режасини тақдим этди. Режанинг амалга оширилиши экотуризмга 70 миллиардга яқин хусусий сармояларни жалб қилади ва 4000тагача янги иш ўринларини яратади. Президент миллий боғлар салоҳиятини кучайтириш ва экотуризмни ривожлантиришни давом эттириш борасида кўрсатма берди. Сўхбат чоғида геологик қидирув ишлари масалалари муҳокама қилинди. Қасим-Жўмарт Тўқаев Қозоғистоннинг истиқболли ҳавзаларини ўрганишга ва уларни ривожлантириш учун сармояларни жалб қилишга эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Мағзум Мирзағалиев, шунингдек, бошқа ҳудудларда обикор ерларни ўзлаштириш ва янги сув омборлари қуриш борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида маълумот берди. Президент обикор ерлар бўйича олиб борилаётган ишларга юқори баҳо берди ва сувни тежайдиган технологияларга ўтишни ва сув тармоғини рақамлаштиришни жадаллаштиришни топширди.

Akorda.kz.



Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2020 йил 25 август, сешанба. №75 (2850).

ОМАД ЁР БЎЛСИН!



Қасим-Жўмарт Тўқаев жаҳон чемпиони Феруза Шариповани мутлақ ғалабаси билан табриклади

«Ажойиб спортчи Феруза Шариповани IBA жаҳон чемпиони унвони учун курашдаги ишончли ғалабаси билан табриклайман.

Сизга бундан буён ҳам муваффақиятлар тилайман!», деб ёзди Президент ўз Твиттер саҳифасида.

Қозоғистонлик спортчи Феруза Шарипова (11-1, 5 KO) энгил вазн тоифасидаги IBA жаҳон чемпиони унвонини қўлга киритди.

Жанг Қозон шаҳрида бўлиб ўтди. Шарипованинг рақиби тан-

заниялик Хэппи Дауди (8-6-1, 4 KO) эди. Жанг икки дақиқадан ўн раундга мўлжалланганди. Учрашувнинг бешинчи қисмида қозоғистонлик спортчининг рақиби таслим бўлди.

Казправда.



ЯНГИ 2020-2021 ЎҚУВ ЙИЛИ

- Янги ўқув йили масофадан ўқитиш шаклида бошланади.
- Хоҳиш ва ота-оналар аризасига кўра бошланғич синфларда дарслар мактабларда ўтказилиши мумкин.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАРДА НАВБАТЧИ СИНФЛАР

- Ўқишга сурункали хасталиклари йўқ болалар қабул қилинади (бу аризада кўрсатилади)
- Аризаларини синф раҳбарлари амалдаги алоқалар тизими орқали қабул қилиб олишади
- Бир синфда 15 нафардан ортиқ бола ўқимайди.
- Ўқиш давомийлиги – 40 дақиқа

МАКТАБЛАРДА САНИТАРИЯ ХАВФСИЗЛИГИ ЧОРАЛАРИ

- Ўқитувчи ва ўқувчиларнинг тана ҳароратини мунтазам текшириб туриш кўзланган
- Мактаблар дезинфекция воситалари билан таъминланади
- Ҳар икки дарсдан кейин синф хоналари ювилади, даҳлизлар – ҳар танаффуздан кейин
- Танаффуслар ҳар синф учун алоҳида ташкил этилади
- Мактаб ошхоналари ва буфетлари фаолияти тўхтатилади
- Ота-оналар болаларини мактаб эшигигача олиб келиб, дарсдан сўнг олиб кетишлари шарт

ТЕЛЕДАРСЛАР

Душанбадан жумагача «Балапан» ва «Ел арна» телеканалларида қўшимча таълим ресурси сифатида теледарслар намойиш этилади.

ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ

- Таълим ва фан вазирлиги таълим дастурларини танлашга оид қарор қабул қилмайди
- Ҳар бир мактаб масофадан ўқитишга асос бўладиган интернет-дастурларни ўзи танлайди

БАҲОЛАШ ТИЗИМИ

- Карантин ва чеклов чоралари шароитида 1-11 (12) синфларда ўқиш муваффақиятларини баҳолаш тизимига оид вақтинча ўзгаришлар жорий этилди.

МАКТАБ ФОРМАСИ

- Мактаб формасига талаб ўзгармайди, лекин вақтинча ўзгаришлар киритилди, унга кўра ота-оналар фарзандларини мактаб либосида ёки қулай кийимда юбориши ўз ихтиёрларида

ҚИШЛОҚ ОЗ КОМПЛЕКТЛИ МАКТАБЛАРИ

- Санитария-эпидемиологик аҳоли яшилганган аҳоли манзилларида ўқувчилар мактабга бориб, санитария талабларига риоя қилган ҳолда ўқишлари мумкин.

Янги уйга - янги жиҳозлар



Мақтаарал туманидаги Ўргебас ва Фирдавсий қишлоқлари аҳолиси учун “Астана Моторс” компанияси умумий қиймати 50,5 млн. тенгега янги жиҳознинг 426та нусхасини совға қилди. Ётоқхона мебеллари соҳибларига етказилди.

“Астана Моторс” доимий равишда ижтимоий қўллов кўрсатиб келади. Компания томонидан фавқуллодда вазият вақтида арисликлар учун 20 млн. тенге ҳамда гуманитар ёрдам юборилганди.

Сардоба сув омбори ёрилиши натижасида 895та оила зарар кўрди. Бугунги кунда уйлар қайта қурилмоқ-

да. Инфратузилмани қайта тиклаш ишлари давом этмоқда. Женис, Жанатурмис, Дўстиқ аҳоли манзилларининг аҳолиси учун Мирзакентда янги мавзе ташкил этилди. Туманда 9та ижтимоий иншоотнинг қурилиши олиб борилмоқда.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

Туркистонда 340та ариза рўйхатга олинди

21 август куни Nur Otan партияси вилоят филиали раисининг биринчи ўринбосари Б. Тажибаев партия ички праймеризига бағишланган брифингда шундай деди:

“Минтақада Nur Otan партияси праймеризига қизиқиш катта. Ўтган йили август ойида бўлган сиёсий кенгашда Элбоши, Партия раиси Нурсултан Назарбаев партиянинг 7та йўналишдан иборат дастурини тақдим этган эди. Унга кўра 2020 йилнинг 17 августи ва 3 октябрь оралиғида партия праймеризини ўтказиш вазифаси кўндаланг қўйилди. Вилоят филиали ҳам бу сиёсий беллашувни уюштиришга қизгин тайёргарлик кўрди. 17-28 август кунлари номзодларни тавсия этиш ва рўйхатга олиш ишлари юритилади. 31 август ва 6 сентябрь оралиғида улар тарғибот-ташвиқот ишларига тайёргарлик кўришади, 7 сентябрдан то 3 октябргача ташвиқот ва баҳс-торти-

шувлар ўтади. Ниҳоят, 1-3 октябрь кунлари праймериз овоз бериш билан ниҳоясига етади”.

Унинг айтишича, бугунги кунда вилоятдаги партия аъзоларининг маълумотлар базаси таомилга етказилиб, 80 мингга яқин фуқаронинг телефон рақамлари ва электрон почта манзиллари билан тўлдирилган. Баҳс-тортишувлар ва сайлов учун 209та жой тайёрлаб қўйилган. Овоз бериш жараёни электрон турда 170та ўринда ўтса, 39та жойда аънанавий қоғоз бюллетени билан амалга оширилади. Туман, шаҳарларда ташкилий кўмиталар тузилиб, ҳисоб ва партия тафтиш комиссиялари фаолияти йўлга қўйилмоқда. Сайловда партиянинг 80720 нафар аъзоси қат-

нашиши кутилмоқда.

Туркистон вилоятида праймеризнинг биринчи кунда 38та ариза рўйхатга олинди, иккинчи кунда эса – 46та. Айни дамда 340 ариза бор. 105 номзод рўйхатдан ўтди, қолганлари расмийлаштирилмоқда. Даъвогарларнинг 73 нафари (21,5%) хотин-қизлар, 105 нафари (30,9%) 35 ёшгача бўлган ёшлар. Даъвогарларнинг асосий қисми, яъни 24,7 фоизи таълим ва фан соҳаси вакиллари. Бу соҳадан 84 фуқаро ҳужжат топширганини таъкидлаш жоиз. Чунончи, 61 фуқаро тадбиркор бўлса, 31 нафари қишлоқ хўжалиги ходимлари.

**Вилоят минтақавий
коммуникациялар хизмати.**

Карантин тартибини бузганлар жазоланди

Карантин даврида хизматини қайта бошлайдиган тадбиркорлик субъектлари мажбурий турда www.infoKazakhstan.kz сайти орқали санитария меъёрларига мослигини тасдиқловчи ҳужжат олишлари керак.

Туркистон вилоятида ушбу электрон портал орқали хизматини қайта бошлаш учун бир ҳафта мобайнида 3856 тадбиркордан ариза тушган. 2873 иншоотнинг хизмати рухсат берилди. 454 ариза рад этилиб, 529таси кўриб чиқилмоқда.

Эпидемиологик аҳволнинг бар-

қарорлашиши муносабати билан савдо марказлари, ижтимоий оққатланиш нуқталари, автосалон, болаларга таълим бериш муассасалари билан қатор бизнес иншоотларига белгиланган карантин чоралари энгиллаштирилди. Зеро, пандемия билан курашда хавфсизлик талабларига ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиш талаб қилинади. Шу боис, кучайтирилган санитария-дезинфекциявий талабга риоя қилиш жоиз.

Вилоятда коронавирус инфекциясининг олдини олиш мақсадида

73та тезкор гуруҳ тузилиб, улар Туркистон вилоят товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш департаменти мутахассислари ҳамкорликда хусусий тадбиркорлик иншоотлари фаолиятини назорат қилмоқда. Карантин тадбирлари бошлангандан буён тезкор гуруҳлар томонидан 14388та иншоот текширилиб, талабларни бузган 2329 иншоот аниқланди. Умуман, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида 1634та далолатнома тўлдирилиб, 85 867 980 тенге миқдорида жарима солинди. Унинг тенг ярми ундирилди.

**Вилоят ҳокимининг
матбуот хизмати.**

Бош муфтий “Иброҳим ота” мақбарасида

Бугун ҚМДБ раиси, бош муфтий Науризбай ҳожи Тағанули махсус расмий хизмат сафари билан Шимкент шаҳрига келди.



Сафар доирасида бош муфтий даставвал сонсиз боблар макони ҳисобланмиш Сайрам мавзесидаги “Иброҳим ота” ва “Қорасоч она” мақбараларини зиёрат қилиб, боболар руҳига Қуръон бағишлади.

Шунингдек, Науризбай ҳожи Тағанули Сайрам мавзесида жойлашган “Сайрам” масжиди қошида барпо этилаётган қизлар хайрия муассасасининг (мадраса) қурилиши билан танишди. Шимкент шаҳрининг бош имоми Бақдаулет ҳожи Абдраҳманов бош муфтийга қурилиш ишларининг бориши ва ҳудуддаги масжидлар фаолияти ҳамда диний аҳвол тўғрисида ахборот берди.

ҚозАхборот.

Янги ғоялар - янги имкониятлар

Туркистон вилоятида ноҳукумат ташкилотлари ўртасида йил сайин энг яхши ижтимоий ғоялар ва лойиҳалар аънанавий ярмаркасини жорий йилда он-лайн тартибда ўтади.

Бу ҳақда Туркистон вилояти Фуқаролик Альянси ҳуқуқий шахслар ҳамжамияти жамоат бирлашмасининг президенти Ж. Шарипбек ҳамда “Береке” жамоат бирлашмаси мувофиқлаштирувчиси Г. Андабаева брифингда маълум қилди.

Ижтимоий ғоялар ва лойиҳалар ярмаркаси “Туркистон вилояти туман НХТлар ривожига қўллов кўрсатиш” лойиҳаси доирасида амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳа Туркистон вилояти ижтимоий тараққиёт бошқармаси ташаббуси билан ўтмоқда.

Танловга ишлар ва ҳужжатлар 25 сентябргача қабул қилинади.

**Вилоят ҳудудий
коммуникациялар хизмати.**

Эътибор ва ғамхўрлик оғушида

**БўЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ДОКТОРАНТЛАР
СТИПЕНДИЯСИ 1,5 БАРАВАР ОШИРИЛАДИ**

Қозғистонда педагогика йўналишида таҳсил олувчи талабалар ва докторантлар стипендияси сезиларли даражада оширилади. Тегишли ҳужжат Очiq регламент порталида жамоатчилик муҳокамасига тақдим этилди.

Стипендия миқдорини ошириш учун асос Президент Қасим-Жўмарт Тўқаевнинг Миллий Жамоатчилик ишончи кенгашининг учинчи ййгилишида берган кўрсатмаси бўлди.

«Педагогика йўналишлари бўйича таҳсил олаётган талабалар стипендияси 42000 тенгега етказилсин», – дейилади ҳужжатда. Бошқа мутахассисликлар талабалари учун стипендиялар аввалги миқдорда – 26 186 тенге берилади. Бундан ташқари, докторантлар стипендияси миқдори 150 000 тенгега етади. Ҳозиргача улар 102 498 тенге олиб келишди. Ушбу қарор 2020 йил 1 сентябрдан кучга киради.

Хабар-24.

Қишлоқ хўжалиги – бизнинг асосий захирамиз, бироқ ундан тўла-тўқис фойдаланилмапти.

Биз нафақат мамлакатда, балки хорижда ҳам харидоргир бўлган органик ва экологик соф маҳсулот ишлаб чиқариш учун улкан салоҳиятга эгамиз.

Биз 2030 йилгача сугориладиган ер майдонини босқичма-босқич 3 млн. гектарга кенгайтиришимиз керак.

Бу эса қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 4,5 баравар ўсишини таъминлашга имкон беради.

Савдо ва интеграция, қишлоқ хўжалиги вазирликлари фермерларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларда сотишда уларни қатъиян қўллаб-қувватлашлари зарур.

Қасим-Жўмарт Тўқаев.
“Амалий ижтимоий мулоқот – Қозоғистон барқарорлиги ва тараққиётининг гарови”.

ҚИШЛОҚ РИВОЖЛАНСА – ЮРТ ФАРОВОН БЎЛАДИ



Тулкибош тумани корхоналарни XXI асга мослаштириб, янгиламоқда. Туманда фаолият юритаётган корхоналарда янги рақамли технологиялар қўлланилиб, “Састебе цемент” заводи модернизациялаш ишларига 1 млрд. 380 млн. тенгедан зиёд маблағ сарфлади. Шунингдек, “Ақ санат инжиниринг” корхонаси жадаллаштирилган индустриявий-инновациявий ривожлантириш дастури доирасида балиқчиликни янги техноло-

иш юритаётганлари 6 520. Шунингдек, олмали ҳудудда бизнес очаётган тадбиркорларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилади.

Туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун микронасия ташкилотлари ва иккинчи даражадаги банклар орқали насия олиш имкониятлари яратилмоқда.

Тумандаги тўртта кичик насия ташкилоти ва “Қишлоқ хўжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси” ХЖ

раҳа бўйида жойлашган Жабағили овулида 70 одамга мўлжалланган “Жайлау” даволаш соғломлаштириш маркази ва халқаро “Фарбий Европа – Фарбий Хитой” йўли бўйида йўловчилар учун сервис хизматлари кўрсатиш маркази очилиши режаланмоқда. Келгусида лойиҳа амалга ошса, Тулкибош Жанубдаги донор туманлар қаторига қўшилиши мумкин.

Озодлик қишлоғидаги Туркибоши мақбараси «Қозоғистоннинг муқаддас жойлари харитаси»га киритилган, у ерда ҳам ободончилик ишлари қизғин.

Президент жорий йилги Мактубида қишлоқ хўжалик соҳасини ривожлантириш масаласига алоҳида урғу берган эди. Бу борада ҳам туманда кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда.

Агросаноат мажмуасини ривожлантиришнинг бирдан-бир йўли – ширкатларга бирлашиш ҳисобланади. Шу мақсадда туманда 2019 йили 6та ширкат тузилса, бу йил 18таси ташкил топди. Хўжаликлар ширкатларга бирлашса, ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажми ҳам ортиши табиий.

Меҳнат самарадорлигини ошириш йўналишида автоматлаштириш, янги инновациявий усулларни қўллаш орқали маҳсулдорликни ошираётган хўжаликлар ҳам бор. Чунончи, “Кентау”, “Мөлдир”, “Көктал” деҳқон хўжаликлари энг сўнги технологик усуллардан фойдаланиб, Туркия ҳамда Польша мутахассислари



билан биргаликда олма боғлари барпо этиб, мўл ҳосил олмақда.

Ҳар туман ўз брендини шакллантириши керак. XXI аср – брендлар асри. Халқ кўпинча брендга ишонади. Тулкибош ҳам Алматы каби эл орасида олмаси билан машҳур. Собиқ Иттифоқ тарқаб кетган пайда тумандаги олма боғлари қаровсиз қолиб, талон-торож қилинган эди. Сўнги 5 йилда боғдорчилик қайта тикланмоқда.

Таъми тилни ёрадиган маҳаллий олма нави ҳам тикланди. Бугунги кунда туманда 3000 гектардан зиёд боғ мавжуд бўлса, интенсив боғлар майдони 230 гектарни ташкил қилади. Режага мувофиқ, туманда жорий йил 356 гектарда олма боғи барпо этилди. Унинг 115 гектари интенсив боғ. Мазкур дарахт 3 йилдан кейин мева бера бошлайди. Боғдаги кўчатлар 20 йилгача ҳосил беради. Интенсив боғ оддий боғларга қараганда 10 баравар кўп маҳсулот беради. Келгусида Тулкибошда бундай боғлар майдони йилдан-йилга ортиб боради.

“Нурли ер” уй-жой дастури бўйича вазифалар ҳам амалга оширилмоқда. Ҳар йили юзлаб уйлар қурилиб, навбатда турган тулкибошликларга берилмоқда. Ҳозир 4000дан зиёд одам ер участкаси олиш учун навбатда турибди.

Тулкибош, Састўбе, Балиқчи, Жабағили овул округларида лойиҳалаш ишлари якунланди. Энди муҳандислик инфратузилмалари қурилишини лойиҳалаш учун смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

«Жанубий Қозоғистон» мухбири.



гия асосида ривожлантирмоқда. Бугунги кунда Россия, Хитой давлатларига ўз маҳсулотларини тавсия қилмоқда. Бақра балиқлар етиштириш фермаси йилига 40 минг тонна балиқ, 300 кг. қора увилдириқ ишлаб чиқаради.

Тулкибош – деҳқончилик учун қулай ҳудуд. Шоир-ёзувчилар бу ерларга таёқ қадасанг, дарахт бўлиб ўсади, дея таърифлайдилар.

Дарҳақиқат, бу сўзлар бежиз айтилмаган. Тупроғи унумдор, оқар ва ичимли суви мўл туманда сабзавот етиштириш учун қулай шароитлар мавжуд.

Шу вақтгача минтақа фуқароларининг талабини қаноатлантириб келган “Байтерек-4” биродарлигининг сабзавот консервалаш цехи бу йил янгиланди. Жанубдан ташқари, Қозоғистоннинг барча минтақалари, ҳатто яқин хорижда маҳсулотларини экспортлаш режаси бор. Ҳозирча улар йилига 1 млн. банка сабзавот ёпади.

Шунингдек, туманда концентрат ҳамда табиий ичимликлар чиқарадиган “Арсенас” биродарлиги ҳам фаолият юритмоқда. У бир йилда 2 минг тонна чанқовбосди ичимликлар ишлаб чиқаради.

Туманда 30 гектар майдонда индустриявий минтақа барпо этилган, ҳозирги кунда у жами қиймати 9 млрд. 39 млн. тенгени ташкил этувчи 6та лойиҳани амалга оширишни режаланмоқда.

Улардан бири бугдойни қайта ишлай-

диган “Еңбекши-2016” биродарлиги. Бу лойиҳанинг қиймати 2 664 млн. тенге бўлиб, 8 гектар ер ажратилган ҳамда 200 янги иш ўринлари очилган.

Сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган “Амир Мансур” корхонаси лойиҳасининг қиймати 236,0 млн. тенге. Ажратилган ер майдони 1,5 гектар. Корхона тўлиқ ишга туширилган пайтда 200 янги иш ўрини очилади.

Газланган, газланмаган сув ишлаб чиқаришга киришган “NutriCorn” биродарлигининг 5440,0 млн. тенгедан иборат лойиҳасининг ҳам келажаги зўр. 150 одамни иш билан таъминлаш имкониятига эга корхона келгусида нафақат Тулкибош тумани, балки, бутун вилоятни сифатли чанқовбосди ичимликлар билан таъминлай олади.

«Майлыкент сўт» МЧБ «Бизнеснинг йўл харитаси-2025» дастури доирасида имтиёзли насия олиб, корхонани кенгайтирди. Ҳозир бир кеча-кундузда 5 тонна сутни қайта ишлаб, йогурт, айрон, куюлтирилган сут каби 12 хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бу ерда 30 одам доимий иш билан таъминланган.

Туманда кичик ва ўрта бизнес доимий эътиборда. Туманда 1та йирик, 7та ўрта, 23та кичик ҳамда 8та қўшма корхона фаолият юритмоқда, тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётганлар сони 17 344 кишига етди.

Кичик ва ўрта тадбиркорлик иншоотларининг сони 7 мингдан ошади. Фаол



орқали 2 712 фуқарога 1 237,2 млн. тенге насия берилди.

Жанубда туризмни ривожлантириш масаласи вилоят ҳокимининг диққат марказида. Фақат туризм соҳасини ривожлантириш орқали иқтисодиётни анча мустаҳкамлаш мумкин. Норасмий турда “иккинчи Швейцария” мақомига эга Тулкибош туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай минтақа экани барчага маълум. Ҳозирги кунда тумандаги сайёҳларга хизмат кўрсатиш мақсадида – 4та меҳмонхона, меҳмон қабуллаш уйи, 2та шифохона, 7та болаларга мўлжалланган мавсумий соғломлаштириш лагери, 17та дам олиш минтақаси сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда.

Албатта, тоғ бағирларида дам олиш ўринлари қурилаётгани бежиз эмас. Чунки, туманга сайёҳлар кўплаб келмоқда. Уларни жалб этиш учун замонавий, барча талабларга жавоб бера оладиган ҳордиқ масканлари зарур. Ўтган йили тумандаги Керейт овулида қиймати 1 млрд. 200 млн. тенгелик оилавий дам олиш мажмуаси очилди. У бир вақтнинг ўзиде 1000 кишини қабуллай олади. Бу – жуда истиқболли лойиҳа.

Йўл доимо иқтисодиёт пойдевори бўлиб қолаверади. Тулкибош – Буюк Ипак йўли бўйида жойлашган туман. Кунига қанчадан-қанча йўловчи ўтади. Шартли равишда олиб қарайдиган бўлсак, агар бир киши Тулкибошда бир соат бўлса, камида 500 тенге ташлаб кетади.

Тулкибош ана шу имкониятдан унумли фойдаланиши керак. Шунинг учун чор-

ЧЕМПИОНЛАР МАКТАБИ



Жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, айниқса, ёшларни спортга жалб этиб, истеъдодларини шакллантиришда, уларни чемпионлик сари етаклаш мақсадида йил бошида ташкил этилган Қозғоғистон жанг санъати ҳамжамияти спортнинг 8 тури бўйича иш олиб бормоқда, булар – «Туркистон вилояти жанговар якка кураш федерацияси», «Ушу Кунг-фу федерацияси», «KARATE федерацияси», «Таеквандо ITF федерацияси», «Кикбоксинг федерацияси», «Панкратион ва греплинг (AIGA нусхаси) федерацияси», «Самбо кураши федерацияси».

Ҳамжамият карате ва якка курашнинг тўрт йўналиши бўйича машғулотлар ўтказмоқ-

да. 3217 нафар ёш спортчига 161 нафар устоз мураббийлик қилмоқда.

Буни вилоят жисмоний тарбия ва спорт бошқармаси раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи А. Бердашев маълум қилди.

Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокимининг ўринбосари Сакен Қалқаманов соҳадаги янгиликларга тўхталди.

– Вилоят маркази Туркистон шаҳрида спорт соҳасини ривожлантириш мақсадида қатор иншоотлар фаолият юритмоқда, у ерларда юзлаб истеъдодлар камол топмоқда. Спорт масканларида машғулотларга зўр бераётган ўғил-қизлар, шубҳасиз, ҳатто миллий терма жамоалар сафида халқаро мусобақаларнинг шоҳсупаларидан ўрин олишга

ҳам муваффақ бўлишмоқда. Туркистон вилоятининг барча қишлоқларида спорт мажмуаларини қуришга оид яна бир янги дастур амалга оширилмоқда. Бу эса ёшларимизга спорт соҳасида муваффақиятга эришиш имконини беради, – деди С. Қалқаманов.

Туркистон вилоят жанг санъати уюшмаси раҳбари Д. Танирбергенов ушбу жамоат бирлашмаси ҳақида батафсил маълумот берди ва унинг тараққиётига катта ҳисса қўшган ҚР Миллий хавфсизлик қўмитасининг Туркистон вилояти бошқармаси раҳбари, генерал-майор А. Дуйсебаевга ҳамжамиятнинг “Фахрий президенти” унвони берилганини маълум қилиб, кўкрак нишонини топширди.

ЗАНГОРИ ОЛОВ – БАРЧА ХОНАДОНГА!



Вилоятимизнинг Кентов шаҳри ва унинг тасарруфидаги қишлоқларни табиий газ билан таъминлаш ишлари қизғин олиб борилмоқда.

Бугунги кунда шаҳардаги 10та кўп қаватли ва 800та хонадонга газ қувурлари тортилмоқда. Шаҳар ва Эски Иқон

қишлоғига юқори босимли газ қувури тортишга доир ҳужжатлар ҳозирланмоқда. Ўтган йили бу ерда бир нечта пудратчи ташкилот қурилиш-монтаж ишларини амалга оширди.

Кентов шаҳрининг Чоға, “Қозғоғистоннинг 30 йиллиги”, Бершинтубе, Шўқтас, Ибата,

Ўйиқ аҳоли манзилларига табиий газ тортиш давлат-хусусий ҳамкорлиги доирасида амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, қурилиш ишлари юритилаётган янги 10 қаватли уйга газ тизими ўрнатилмоқда. Келгусида қўшимча 40та кўп қаватли уйга иситиш қозонлари ўрнатилади.

Жорий йилда Туркистон вилоятидаги 154 минг аҳоли табиий газ билан таъминланади. Ўтган йили минтақанинг 1,1 млн. одам ёки 57 фоизи, бу йил 1,2 млн. одам ёки 64 фоизи табиий газ билан таъминланади.

Уч йиллик иш режасига кўра, 92та аҳоли манзилини табиий газ билан таъминлаш режалаштирилган.

М. САФАРОВА.

ТУРКИСТОНГА ЯНА ГУМАНИТАР ЁРДАМ

Германия ва Украинадан Туркистон вилоятига гуманитар ёрдам келди

Ушбу давлатлардан юборилган гуманитар ёрдам қутиларида коронавирус касаллиги тарқалишини бартараф этиш учун зарур ускуналар ва воситалар, ушбу инфекцияга қарши курашишга мўлжалланган дори-дармонлар бор.

«Гуманитар юк таркибига бир марталик стерил тиббий қўлқоплар, ҳимоя комбинезони, махсус тиббий либос,

ниқоблар, дока, спирт, гигиеник гель киради. Келтирилган дори-дармонлар Уюшган жиноятчиликка қарши кураш агентлигининг Туркистон вилояти бошқармаси ходимлари ва шифокорлар томонидан қабул қилинди. 4000дан зиёд дори-дармон ва ҳимоя ниқоблари касалхоналар ва клиникаларга тарқатилади.

Таъкидлаш жоиз, корруп-

ция ҳолатларининг олдини олиш учун барча дориларга «бепул» деган муҳр босилади. Ушбу чора-тадбирлар минтақада коронавирус тарқалиши камайиб, вазият барқарорлашгунча давом эттирилади», дейилади вилоят ҳокимлигининг расмий сайтида.

ҚозАхборот.



КУНДАН КУН ЯХШИ!

Тўлебий туманига ташриф буюрган ҚР Парламент Мажилиси депутати Байдилда Жилқишиев хизмат сафари давомида қишлоқлар ва Ленгер шаҳрида фойдаланишга топширилган ижтимоий иншоотлар фаолияти билан танишди. Халқ ноиб «Алатау» мавзесида баҳордаги тошқин пайтида жабр кўрган фуқаролар учун қурилатган уйлари оралади ва бир гуруҳ ленгерликлар билан мулоқотда бўлди.

тириш соҳасидаги вазифалар. Бу – замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талабларидан келиб чиқиб, намунали лойиҳалар ишлаб чиқиш, шаҳарни индустриаллаштириш, уй-жой, ижтимоий ва маиший ҳамда маданий иншоотлар қурилишидан, автомобиль йўлларининг ҳолатини, транспорт, коммуникация хизматларини яхшилашдан, пировардида аҳоли турмушининг сифат даражасини юксалтиришдан иборат.

– Бугунги кундаги асосий вази-



– Ҳар бир даврнинг ўзига хос талаблари ва режалари бўлади, – деди у учрашувда. – Ота-болаларимиз орзу қилган ва етиша олмаган мустақиллик даврида яшаб, даврон суриш бизга насиб этган экан, биз ҳам жамиятда ўз ўрнимизни топиб, эл қорига камарбаста бўлишимиз керак. Президентимизнинг сўнги Мақтубида белгиланган вазифалар ҳар бир қозғоғистонликни фаол-

фамиз – халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир, – деди депутатга ҳамроҳлик қилган туман ҳокими Б. Ўмарбеков. – Жорий йилда туманимизда юзлаб янги иш ўринлари очилди, кичик бизнес ривожига катта аҳамият қаратилмоқда.

Депутат ўзи оралаб кўрган янги биноларга юксак баҳо берди ва тўлебийликларга келгуси ишларида омад тилади.



ликка ундайди. Айниқса, қишлоқ ва шаҳарларимизни ободонлаш-

«Жанубий Қозғоғистон» муҳбири.

• Ёш келса – ишга

САЛОМАТЛИК МУҲОФАЗАСИДА



Туман мақомини олганига икки йил бўлган Келесда тиббиёт соҳасини ривожлантириш ҳамда қишлоқ аҳлини соғломлаштириш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўтган йили Келес туман касалхонасига 16 нафар ёш шифокор ишга қабул қилинди. Улар давлатдан молиявий ёрдам олиб, уй билан таъминланди. Шунингдек, қишлоқларда танқис нейрорроҳ, педиатр каби мутахассислар туман касалхонасига жалб қилиниб, иш билан таъминланмоқда.

Шулардан бири – Қарағанди давлат тиббиёт университетини 2012 йили тамомлаган шифокор Ғалимжан Берданов.

Уч йил муқаддам Келес туман касалхонасига ишга келган шифо-

кор, туманда илк бор жарроҳининг энг оғир турларини амалга ошира бошлади. Замонавий, жуда митти тиг ёрдамида амалга ошириладиган ўта нозик жарроҳиларни ҳам удалай бошлади. Шунингдек, куйишдан кейинги тиртиқларни аслига келтирадиган «аутодермопластика» пластик жарроҳиларни амалга ошира бошлади.

Келгусида овулларда танқис дерматовенерология ҳамда офтольмология соҳасида ёш шифокорларни ўқитиб, даволаш сифатини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

БУЮК ДАШТНИНГ ЕТТИ ҚИРРАСИ

КУЛТЕПАДАН АЖОЙИБ ЖАҲОН ДУРДОНАСИ ТОПИЛДИ

ҚР Маданият ва спорт вазирлигининг ташкилотчилиги ҳамда Eurasian Resources Group (ERG) ҳомийлигида “Ҳазрат Султон” давлат тарихий-маданий қўриқхона музейига қарашли “Култепа қалъаси тарихий иншоотларининг реконструкцияси” лойиҳаси доирасида Қозоқ илмий-тадқиқот маданият институти олимлари ажойиб янгиликларга эга бўлишди.

Бу йилги қазилма ишлари чоғида Туркистон шаҳрининг энг қадимги қисми – Култепа қалъасида ўзига хос антиқа қурилиш воситаси, яъни қадимги ҳонақо мавжуд бўлгани аниқланди.

Мутахассисларнинг фикрича, ушбу ҳонақо бир неча асрлар бўйи – XV асрдан XIX асргача бўлган оралиқда фаолият юритган ўзига хос маданий дурдонадир. Сабаби бу ердан нафақат уй-жойлар ўринлари ва анъанавий бўлмаларнинг қолдиқлари, балки дарвешлар тариқатига хизмат қилганларнинг тобутлари ҳам топилди. Бундай ёдгорликлар Жанубий



“Кўпинча бундай қадимги ҳонақолар ҳокимият эгалари ёки уларнинг вакилларининг топшириқлари асосида қурилиб, масжид ва мадраса каби хайрли иншоотлар қурилиши билан тенг саналган. Одатда, улар барча мусулмон мамлакатларидаги шаҳарларда ва йўл бўйларида қурилган. Култепадаги ҳонақо эса иситиш печлари ва кичик тандирлари бор 10та хонадан иборат мажмуадир. Унинг жануби-шарқий қисмида 7та ерости тобути бор тик бурчакли мақбара жойлашган. Унда дафн этилганларнинг бошлари шимолга – Хожа Аҳ-



мад Яссавий мақбарасига қараб ётқизилган. Бу ҳонақонинг Яссавий мазҳабига эътиқод қилувчиларга тегишли деган далилни келтириб чиқаради”.

– Ушбу қадимги терракотанинг бир қисми гиштдан, бошқа қисми эса куйдирилган гиштдан ҳамда дарёдан келтирилган катта тошлардан ясалган. Мақбаранинг ғарбий қисмида 8та ҳужра (кичик бўлма) жойлашган. Иншоотнинг шимоли-ғарбий қисмида айвон мавжуд бўлса керак, – деб тушунтиради илмий ходим Ерлан Казизов.

Дарвоқе, ушбу топилма бугунги кунда қадимий Култепа қалъасидан топилган ҳақиқий жавоҳир. Яссавий йўлида эътиқод қилган сўфийлик оқими вакилларининг ҳаёти ва фаолиятини очиб беришга хизмат қиладиган зўр восита, деб ҳисоблайди лойиҳа бош илмий ходимаси Жанерке Шайғўзова.

Бугунги кунда Култепадан топилган бебаҳо топилмалар – тангалар, одам суюқлари ва бошқа буюмлар антрополог ва генетикларнинг тадқиқот ишларига ўта ноёб материал бўлди, қолаверса, Қозоғистон тарихининг илгари маълум бўлмаган саҳифаларини очди, диний эътиқод илдизлари қадим-қадимга бориб тақаладиган қадимги ота-боболаримиз фаолиятини ўрганишга хизмат қилади.

Очиқ осмон остида очилажак ушбу бўлажак музей 2019-2021 йилларга мўлжалланган лойиҳа. 27 гектарга эга бўлган ҳудуд уч йил давомида тадқиқ қилиниб, топилган тарихий жойлар қайта тикланмоқда. Яқин келажақда Туркистон шаҳрига келиб-кетувчи саёҳатчилар кўҳна қалъа билан тенгдош археологик боғни оралаб кўриш имконига эга бўлишади.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

Қозоғистонлик археологлар Қорақалпоғистонда олиб борилган Қуйи Оролбўйи Қорақалпоқ-Россия мажмуавий археологик экспедициясининг иккинчи мавсум ишларида иштирок этишмоқда. Бу ҳақда ЎЗА агентлиги маълум қилди. Экспедиция ишларида ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти ходимлари, Нукус давлат педагогика институти талабалари ва профессор-ўқитувчилари, Россия ФА Шарқшунослик институти ва Миклухо-Маклай номидаги этнология ва антропология Институти, Россия Федерацияси Шарқ халқлари Музейи ҳамда Қозоғистон Республикаси А. Марғулан номидаги археология институти илмий ходимлари иштирок этмоқда.

ҚОЗОҒИСТОНЛИК АРХЕОЛОГЛАР ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ ЭКСПЕДИЦИЯДА

«Археологик қазилма ишлари икки жойда – Устюрт ва Элликқалъа тумани ҳудудидаги Катта Қирққизқалъа ёдгорлигида олиб борилмоқда. Устюртда олиб борилган археологик ишларнинг иккинчи йилида қадимий Хоразм чегара ҳудудида яшаган кўчманчилар анъаналари ҳақида янги маълумотлар берувчи кўплаб қизиқарли эсдаликлар топилди. Катта Қирққизқалъадаги қазилма ишлари машҳур археолог Сергей Толстовнинг хайрли ишларининг давоми сифатида қўрилади», – дейди ЎзФА Қорақалпоғистон бўлими гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти директори Айтмурат Альниязов.

Миклухо-Маклай номидаги этнология ва антропология институти илмий ходими Егор Китовнинг таъкидлашича, Қорақалпоғистоннинг Шуманай ва Қўнғирот туманлари чегара ҳудудларидаги Устюрт чинкида қазилган милодий II-IV асрларга тегишли эсдаликлар кўчманчи-сарматларга оид топилмалардир. Сарматлар молларини боқиш учун йилнинг илиқ вақтида катта ҳудудларда кўчиб юрган кўчманчи халқ бўлган. Устюрт ҳудуди кўчманчилар йўлининг ҳар йилги меридионал охириги манзили сифатида маълум. Қиш пайтида Амударё дельтасига қишлаш учун келган кўплаб кўчманчилар гуруҳлари Устюрт чинкларига кўнми топиб қолган. Шунинг натижасида ҳозирги Қорақалпоғистон заминида яшовчи аҳолининг антропологик қиёфаси шаклланишида иштирок этган. Қадимий кўчманчиларнинг кўрғонли эсдаликлари бўйича машҳур археолог, профессор В. Н. Ягодин ҳаёти давомида кўплаб тадқиқот ишларини олиб борди. 1970 йилларда Миздакханда олиб борилган ишлардан кейин унинг қадимий кўчманчиларга бўлган қизиқиши ортиб кетди ва шу йилларда Т. Хўжаев билан ҳаммуаллифликда «Некрополь древнего Миздакхана» монографиясини нашрдан чиқарди. Унда «сармат маликаси» ҳақида гап боради. Зароастризм анъанасига мувофиқ танаси саркофагга солиниб дафн қилинган 18-20 ёшлардаги сармат маликаси ёнига кўчманчи сарматларга оид қимматбаҳо буюмлар ҳам жойлаштирилган ва бу каби ҳолат аввал учрамаган эди. Ушбу топилмадан кейин В. Ягодин Устюртда 20 йилдан кўпроқ вақт сарматларга оид кўплаб кўрғонларни топди ва тадқиқ қилди, лекин ушбу ишлар ўтган асрнинг 90 йилларига келиб тўхтаб қолган эди.

«2018-2019 йилларда қазилган эсдаликлар бу ерда яшаган кўчманчиларнинг олис-олислардаги Волга-

Урал минтақаси, Қора денгизбўйи ва Ғарбий Қозоғистон ҳудудлари билан боғлиқлигини кўрсатадиган бой маълумотларни тақдим этди. Экспедиция томонидан қуроллар, безак буюмлари, диний маросимларга оид буюмлар топилди. Олинган ҳамма маълумотлар Евроосиё тарихида янги саҳифаларни очиши мумкин», – дейди Е. Китов.

Талабаларнинг қазилма ишларида иштирок этиши эса Қорақалпоғистон археологларининг янги авлодини тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

«Талабаларнинг дарс жараёни тарихий жойларда ташкил қилинаётгани жуда самарали бўлмоқда. Улар тарихни ўз қўллари билан қовламоқда. Ўзлари танлаган соҳага қизиқиши ортмоқда. Тажрибали хорижий археологлар шу жойнинг ўзида дарслар ўтмоқда. Биз ҳозир қазилма ишларини олиб бораётган қалъада милоддан аввалги IV-III асрга хос маданият қатлами ҳам мавжуд», – дейди Катта Қирққизқалъа ёдгорлигида қазилма ишларида қатнашаётган Нукус давлат педагогика институти доценти Бахит Турганов. Бу ерда минг йилдан ортиқ вақт мобайнида ҳаёт қайнаган ва милодий V-VI асрларгача давом этган. Табиат ҳодисалари, боқинчилик ва бошқа сабабларга кўра, аҳоли қалъани вақти-вақти билан ташлаб кетиб турган ва қайтиб келган. Топилган артефактларга қараганда милоддан аввалги III-II асрларда ва милодий II-III асрларда бу ерда ҳаёт жуда яхши бўлган. Катта Қирққизқалъада энг биринчи археологик амалиёт 1938 йилда бошланган, яъни С. П. Толстов бошчилигидаги экспедиция томонидан эсдалик аэрофототасвирга олинган ва разведка-қидирув ишлари олиб борилган. Кейинчалик археолог-олим Ф. Хўжаниёзов томонидан қалъанинг фортификацияси ўрганилган. Катта Қирққизқалъанинг деворларида расмларнинг белгилари ҳам намоён бўлди. Кўк рангдаги девор расми ҳозирда реставрация жараёнида. Реставратор Вадим Ягодиннинг сўзларига кўра, кўк рангдаги девор расми илк бор учрамоқда. Деворда ниманинг акс этганини реставрация жараёни тугагандан кейин айтиш мумкин. Шундай қилиб, Россия, Қозоғистон ва Ўзбекистон илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари ҳамкорликда олиб бораётган археологик ишлари бу йил учун ниҳоясига етди ва келаси йилда яна давом эттирилади.

«Егемен Қазақстан».

